

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ЭРКИНОВ СУҲРОБ ЭРКИН ЎҒЛИ**

**ҲАРБИЙ КАСБГА ОИД ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ  
СИСТЕМ-ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(инглиз тили материали асосида)**

**10.00.04 – Европа, Америка, Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Эркинов Сухроб Эркин ўғли**

Ҳарбий касбга оид лисоний бирликларнинг систем-функционал  
хусусиятлари (инглиз тили материали асосида) ..... 3

**Эркинов Сухроб Эркин угли**

Системно-функциональные аспекты военно-профессиональных языковых  
единиц (на материале английского языка) ..... 25

**Erkinov Sukhrob Erkin ugli**

System-functional aspects of military-professional language units  
(on the material of the English language) ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ЭРКИНОВ СУҲРОБ ЭРКИН ЎҒЛИ**

**ҲАРБИЙ КАСБГА ОИД ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ  
СИСТЕМ-ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(инглиз тили материали асосида)**

**10.00.04 – Европа, Америка, Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Fil177 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафаров Шаҳриёр Сафарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ризаев Баходир Хайдарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Шодмонов Қурбон Бадриддинович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти хузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «13» ИЮН соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz)).

Диссертация билан Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2020 йил «02» ИЮН куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**И.М.Тухтасинов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, доцент

**А.А.Яхшиев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент

**Н.Қ.Турниёзов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида соҳа терминологиясида касбга оид тил бирликлари тушунчаси билан боғлиқ лексик-семантик хусусиятларни аниқлашга қаратилган бир қатор муаммолар илмий тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Бугунги кунга келиб, касбий соҳа тилини ўрганиш янги босқичга кўтарилди. Бироқ, касбий соҳага оид тил бирликларини мавзу бўйича ёки бошқа кичик гуруҳлар асосида таснифлаш тамойилларини ҳамда уларга хос алоҳида тизимлараро муносабат турларини аниқлаш, шунингдек, ушбу тил бирликларининг ўзига хос функционал хусусиятларини белгилашга доир масалалар ҳануз ўз ечимини кутмоқда. Шу нуқтаи назардан, ушбу соҳада олиб борилаётган илмий изланишларга қўйиладиган асосий талаб миллий тил тизимида касбий соҳанинг шаклланиш усулларини хорижий тажрибалар билан уйғунлаштирилган ҳолда ўрганиш ва уларнинг семантик-функционал моҳиятини аниқлашга оид оптимал методларни тадқиқ этиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида тилнинг номинатив бирликлари системасининг онтологик ва функционал хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тилнинг алоҳида касб йўналишларига доир қатлами, жумладан, ҳарбий касбга оид тил бирликларининг лингвистик моҳиятини аниқлаш, профессионализм ва касбий мулоқот ўртасидаги боғлиқликларни белгилаш, тилнинг турли хил функционал-услубий соҳаларини ажратиш мезонларини ишлаб чиқиш ва ҳарбий соҳанинг ҳам социолингвистик хусусиятини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, ҳарбий лексикани умумсемантик-функционал жиҳатдан луғавий кодификациялаш ва тавсифланиш муаммосини жаҳон тилшунослигининг энг сўнгги замонавий методларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон тилшунослари зиммасига касбга оид тил бирликларини ўрганиш ва соҳа атамаларини тизимлаштириш, шунингдек, махсус соҳа луғатларини тузиш бўйича бир қатор вазифалар юклатилди. Ҳарбий терминология мамлакатимизда эндигина шаклланиш ва ривожланиш босқичига қадам қўяётган бугунги кунда инглиз, рус ва бошқа тиллар ҳарбий терминологиясини ўрганишга бўлган эътибор янада кучаймоқда. Бинобарин, “...илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, фан ва ишлаб чиқариш ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш”<sup>1</sup>га бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда талабаларга чет тилидаги касбга доир атамаларнинг лингвистик ва экстралингвистик жиҳатларини ўргатиш ҳозирги замон талабларидан биридир. Шу боисдан, ҳарбий касб соҳасига тегишли терминологик бирликларнинг шаклланишини ва уларни тартибга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. ПФ-4947-сон

солинишини тадқиқ этиш ҳамда уларни семантик ва функционал нуқтаи назардан тавсифлаш зарурати мавжудлиги кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги 2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий ўқув юртларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача олий таълими тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг 1. ”Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Касбга оид лексик бирликлар анъанавий тарзда лексикология, стилистика, социолингвистика, нутқ маданияти ва лексикография доирасида тадқиқ этилади. Бунда касбга оид лексик бирликлар (КЛ) тавсифи умумназарий нуқтаи назардан тадқиқ этилади ёки маълум бир ишлаб чиқариш доирасидаги (масалан, ҳарбийлар, кончилар, спортчилар, денгизчилар ва бошқалар тили) мулоқотга алоҳида эътибор қаратилади<sup>2</sup>[Абдиев М., Бондалетов В.Д., Михайленко Т.Д., Неъматов Х., Расулов Р., Полякова И.М., Усманова Ш.Р., Atchinson J.].

Касбга оид лексик бирликлар нутқий мулоқот доирасига мос тил бирликлари, яъни сленг(жаргон, арг)лар ҳамда сўзлашув нутқи билан таққосланган ҳолда ўзига хос хусусиятлари жиҳатидан<sup>3</sup>[Голопольский Т.Г., Лихачев Д.С., Салимова Р.Х.], шунингдек, миллий тил билан ўзаро муносабатлар кесимида<sup>4</sup>[Рыньков Л.Н.], қолаверса, сўз ясашиши<sup>5</sup>[Бартков

<sup>2</sup>Абдиев М. Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари, - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. – 117 б.; Бондалетов В.Д. Условно-профессиональные языки русских ремесленников и торговцев: Автореф.дис. ...д-ра филол.наук. – Л.: ЛГУ, 1966.-28 с.; Михайленко Т.Д. Грамматические инновации письменной речи в сфере профессионального общения (на материале немецких военных текстов) // Вестник МГЛУ, 2008. – С.73-80.; Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 127 б.; Полякова И.М. Слово в профессиональном употреблении. – Челябинск: ЧГПУ, 2006. – 71 с.; Усманова Ш.Р. Олтой тилларида муштарак маънавий лексика. – Т.: Фан, 2010. – 231 б.; Atchinson J. The Power and Problem of Words. BBC Reith lectures. – Cambridge, New York, Melbourne: Cambridge University Press, 2010. – P.221-230.

<sup>3</sup>Голопольский Т.Г. Сленг, жаргон, профессионализм // Актуальные проблемы лексикологии – Новосибирск, 1987. – С. 24-38.; Лихачев Д.С. Аргонические слова профессиональной речи // Развитие грамматики и лексики современного русского языка. – М., 1984. – С. 32-56.; Салимова Р.Х. Теоретические вопросы изучения современного русского профессионального просторечия // Труды СамГУ. Новая серия. Выпуск № 204. – Самарканд, 1971. – С. 12-44.

<sup>4</sup>Рыньков Л.Н. Специализация значений общих слов в профессиональной разговорной речи // Вопросы современного русского литературного языка. Выпуск II. – Челябинск: ЧГПИ, 1987. – С. 47-62.; Ахмедов

Б.И.] нуқтаи назаридан алоҳида ўрганилган. Ҳарбий соҳа, диссертация тадқиқотлари даражасида, асосан, алоҳида тиллар материалида лексик-грамматик система, сўз ясаши ва социолингвистик аспектлар нуқтаи назаридан ўрганиб келинган<sup>6</sup>[Дадабоев Х.А., Горинова Л.И., Эргашева Ф.И.].

Сўнги йилларда инглиз тили бўйича олиб борилган илмий изланишларга эътибор қаратилса, уларда тилнинг касбга оид лексик ва фразеологик қатлами қуйидаги умумтилунослик масалалари доирасида тадқиқ этилганлиги кўзга ташланади: тилни ўрганиш тарихи нуқтаи назаридан касбга оид бирликлар (кейинчалик КБ)нинг турли хил қатламлари; тилнинг луғат таркибидаги кенгайиши ва камайиши нуқтаи назаридан лексик-семантик вариантлашуви ва деривацион фаоллиги; тилдаги сермахсул лексик-семантик гуруҳларнинг ривожланишида КБларнинг тутган ўрни ва бошқалар<sup>7</sup> [Aarsleff H., Aitchison J., Bailey R.W. and Robinson J.L.]. Алоҳида тадқиқотларда эса АҚШ инглиз тили вариантынинг ривожланишида профессионализм, жаргонизм, терминологизм ва регионализмларнинг роли тадқиқ этилган<sup>8</sup>[Ferguson Ch. A., Heath Sh.B., Mencken H.L.]. Ҳарбий соҳадаги терминологик лексика ва фразеологияга оид материал илмий тадқиқот объекти сифатида тилшуносликда бир текис ўрганилмаган ва шунингдек, бу борадаги тадқиқотларнинг кўпчилиги аллақачон эскирган ҳисобланади<sup>9</sup>[Аксенов А.Т., Greifelt R., Судзиловский Г.А., Hiddeman H.].

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Замонавий тилшуносликнинг янги йўналишлари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кўп босқичли таҳлил орқали инглиз тилидаги ҳарбий соҳа тил birlikлари турларининг шаклланиш қонуниятларини

---

О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол. фан. д-ри дис... автореф. – Тошкент, 2016. – 86 б.

<sup>5</sup>Бартков Б.И. Частотность английских военных терминов и мощность их словосочетательных гнезд // Особенности словообразования в терминосистемах и литературной норме. – Владивосток, 2011. – С. 38-48.;

<sup>6</sup>Дадабоев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке. В кн.: Проблемы лексики староузбекского языка. – Т.: Фан, 1990. – С. 5-84; Горинова Л.И. Семантика терминологических словосочетаний подъязыка кибернетики: (на материале английского языка) // Семантика синтаксических единиц в германских языках. – Нижний Новгород, 2010. – С. 74-98.; Эргашева Ф.И. Способы образования английских военных терминов // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2010. - № 8. – С. 36-44.; Кочарян Ю.Г. Функциональные особенности американского военно-морского сленга // Теория и практика общественного развития. – М., 2012. – Вып. №4. – С. 395-398.; Захарчук О.А. Универсальные характеристики и национально-культурная специфика военного жаргона : дис... канд. филол. наук.–Челябинск. 2007. – 187-191.

<sup>7</sup>Aarsleff H. The Study of Language in England, 1780-1860. – Princeton: Princeton University Press, 2003. – P.117-121; Aitchison J. The Power and Problem of Words. BBC Reith lectures. – Cambridge, New York, Melbourne: Cambridge University Press, 2010. – P.221-230.; Bailey R.W. and Robinson J.L. Varieties of Present-Day English, New York, Macmillan, 2010. – P.88-104.

<sup>8</sup>Ferguson Ch. A., Heath Sh.B. Language in the USA. – Cambridge: Cambridge University Press, 2004. – P.290-295.; Mencken H.L. The American Language. – New York, 2007. – P.160-179.

<sup>9</sup>Аксенов А.Т. К вопросу о взаимодействии между английской военной терминологией и общенародной лексикой: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – М.: ВЛИ, 1954. – 24 с.; Greifelt R. Der Slang des englischen Soldaten im Weltkrieg 1914-1918. – Marburg, 1977. – 223 p.; Судзиловский Г.А. К вопросу о «слэнге» в английской военной лексике: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – М.: ВЛИ, 1954. - 23 с.; Hiddeman H. Untersuchungen zum Slang des Englischen Heeres im Weltkrieg. – Emsdetten: H.&J. Lecht, 1938. – 56 p.

аниқлаш ва тавсифлаш, шунингдек, систем-функционал нуқтаи назардан ҳарбий соҳа луғавий бирликларини семантик ва мавзуй гуруҳларга тақсимлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тадқиқотнинг назарий асосини "профессионализм", "атама", "касбий-жаргон лексикаси", "оммабоп лексика", "таянч тил", "махсус тил" каби тушунчаларни таҳлил қилган ҳолда аниқлаш;

касбий соҳага оид бирликлар микромайдонини аниқлаш имконини берадиган терминологик тизимости гуруҳларнинг структур хусусиятларини ёритиш;

тематик гуруҳ ва терминологик майдонлар доирасини алоҳида ажратиш мақсадида ҳарбий касбга оид тил бирликларини семантик-функционал жиҳатдан тавсифлаш;

ҳозирги замон инглиз тилидаги ҳарбий лексикани луғавий кодификациялаш ва тавсифланишини инобатга олган ҳолда умумсемантик-функционал жиҳатдан таснифлашнинг ўзига хос тамойиллари ва усулларини ишлаб чиқиш;

инглиз ҳарбий касбга оид терминлар лексик таркибига хос хусусиятларни аниқлаш, шунингдек, уларнинг ўзаро муносабатларидаги систем-семантик жиҳатларни ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ҳарбий касбга оид мулоқот тизими доирасида қўлланиладиган инглиз тили луғавий бирлик ва тузилмаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** ҳарбий соҳа тил бирликларининг систем-функционал хусусиятларини ўз ичига олади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда компонент таҳлил, таснифий таҳлил, структур таҳлил, шунингдек, лингвистик тасвирлаш методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

касбга оид бирликлар махсус лексик қатлам сифатида фан ва ишлаб чиқаришнинг алоҳида бир соҳасига тегишли терминологик бирликлар эканлиги исботланган;

инглиз ҳарбий касбга оид тил қатлами семантик ва функционал жиҳатдан тавсифланиб, терминологик бирликлар алоҳида мавзули гуруҳлари аниқланган;

касбга оид тил бирликларининг макро ва микромайдонларига тегишли сифат ва миқдорий кўрсаткичларни аниқлашда терминологик кичик гуруҳларга хос структур хусусиятларнинг ажратилиши муҳимлиги далилланган;

ҳарбий лексиканинг алоҳида гуруҳларига хос ономонологик ва тезаурус-информацион жиҳатлари изоҳланиб, ушбу гуруҳлар функционал муносабатларининг алоҳида сатҳларда акс этиши очиб берилган;

замонавий инглиз тилидаги ҳарбий соҳа лексикасининг луғатлардаги таърифи инобатга олинган ҳолда уларга мос систем-семантик таксономия усуллари ишлаб чиқилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**



инглиз тилидаги ҳарбий атамаларнинг ҳозирги ҳолати тавсифланган ҳамда алоҳида тизимости гуруҳларининг касбий нутқдаги фаоллик даражаси аниқланган;

инглиз ҳарбий терминологиясининг ҳозирги ҳолатини синхрон тарзда тавсифлашга йўналтирилган бир қатор амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

касбий фаолиятнинг турли соҳалари бўйича бўлажак мутахассисларни лингвистик тайёргарлиги муҳимлигини исботлашга қаратилган маърузалар матн тайёрлашга хизмат қилган;

инглиз ҳарбий тилини ўргатиш тизимини оптималлаштириш ва ривожлантириш, шунингдек, замонавий дарслик ва луғатлар яратиш тамойилларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган тадқиқот усуллари, фундаментал илмий-назарий қонуниятлар, кенг кўламли таҳлил материали, тадқиқот натижаларининг диссертация ишидаги назарий асосларга мувофиқлиги, ишда келтирилган хулоса, фараз ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги орқали изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таҳлилий хулосалар асосида олинган натижаларнинг келажакда махсус лексика алоҳида қатламларини бошқа тиллар материалида ҳам систем-семантик жиҳатдан тадқиқ қилиш истиқболлини белгилаб бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса диссертация материалларининг ўқув жараёнида "Инглиз тили лексикологияси", "Инглиз тили фразеологияси", "Таржима назарияси ва амалиёти" каби фанлардан маъруза ва семинар машғулотларини ташкил қилиш, махсус фанларни ўқитиш жараёнида, терминологик луғатларни тузишда, шунингдек, магистрлик диссертацияларини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги орқали изоҳланади. Мазкур тадқиқот натижалари келажакда ўзбек тили ҳарбий терминологиясини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқини такомиллаштириш, луғатшунослик фаолияти самарасини ошириш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ҳарбий тил соҳасининг лексик бирликларига хос систем-функционал жиҳатларни ўрганиш жараёнида олинган назарий таклифлар ва амалий натижалар асосида:

- инглиз ҳарбий касбга оид тил ва унинг бирликларининг функционал-семантик тавсифи билан боғлиқ илмий хулосалардан ОТ-Ф8-062 рақамли "Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари" мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар лойҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 ноябрдаги 89-03-4543-сон маълумотномаси). Инглиз ҳарбий касбга оид тил соҳасининг лексик бирликларини структур-функционал жиҳатдан ўрганиш жараёнида олинган назарий тавсиялар ва амалий натижалар матн деривацияси муаммоларини ўрганиш тамойилларини янада бойитишга хизмат қилган;

- инглиз ҳарбий-профессинал тил соҳасининг семантик ва функционал тавсифини ўрганишдан олинган натижалар И-204-4-5-“Инглиз тили мутахассислик фанларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 ноябрдаги 89-03-4543-сон маълумотномаси). Ишнинг илмий хулосалари лексикология, фразеология ва инглиз тили грамматикасидан виртуал манбаларни яратиш бўйича услубий тавсияномаларни ишлаб чиқишда назарий асос бўлиб хизмат қилган;

- диссертациянинг илмий натижалари Олий ҳарбий авиация билим юртининг курсантларига инглизча ҳарбий атамаларни, уларнинг систем-функционал хусусиятлари ва семантик майдонини ўргатишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2019 йил 2 декабрдаги 25-10-2363-сон маълумотномаси). Бу курсантларга билимларини оширишга ва улар асосида ўқув материалларини тайёрлашга ёрдам берган;

- замонавий инглиз тилининг ҳарбий касбга оид профессионал лексикаси бўйича тадқиқот хулосаларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Мутолаа завқи” ва “Ижод гулшани” кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 8 ноябрдаги 09-02/294-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9та республика конференцияларида муҳокама қилинган ҳамда илмий маърузалар шаклида синовдан ўтказилган.

**Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 21та илмий иш нашр этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 та хорижий ва 5 та республика журналларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, боблар бўйича хулосалар, ишнинг умумий хулосаси ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 138 бет босма матнни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, фойдаланилган тадқиқот усуллари кўрсатилган, тадқиқотнинг янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган ва уларнинг

амалиётга татбиқ этилиши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Касбий тил соҳасини тавсифлаш муаммоси”** деб номланган биринчи бобида ҳарбий касбга оид тил соҳасини алоҳида кичик система сифатида ўрганиш зарурлиги асосланган, шу билан бирга, унинг лексик таркиби ва умумий тизимини тавсифлашнинг лингвистик хусусиятларига боғлиқ масалалар муҳокама қилинган.

Тил ва нутқни ижтимоий-услубий нуқтаи назардан фарқлаш муаммолари ҳозирги замон тилшунослигида муҳим ўрин эгаллайди<sup>10</sup>. Хусусан, миллий тилнинг бир қатор махсус соҳалари орасида ишлаб чиқариш ва ижтимоий қатламдаги ўзига хос махсус хусусиятлари билан кўзга ташланиб турадиган касбий тил соҳаси (КТС) алоҳида ажралиб туради. Масалан, компьютер билимдонлари, шифокорлар, курувчилар, биологлар, ҳарбий хизматчилар, кончилар, иқтисодчилар, балиқчилар, спортчилар, овчилар, ўқитувчилар ва бошқалар тили шулар жумласидандир.

Бироқ, КТСнинг миллий тилга хос махсус соҳа сифатидаги ўрни ва роли ҳамда унинг лингвистик табиати бўйича ягона нуқтаи назар ҳозирга қадар тўлиқ шаклланмаган. Адабий тилнинг КТСга муносабати охиригача аниқланмаган ва унинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилмаган. Буларнинг барчаси келгусида КТСнинг хилма-хил турларини батафсил ўрганиш заруратини тақозо этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, махсус тил ҳақида гап кетганда алоҳида лексик-грамматик тузилишга эга бўлган бирон бир автоном тил тизими тушунилмайди, балки, умумий тилнинг махсус соҳага оид қатлами англашинилади. Махсус тилнинг ўзига хослиги эса унинг маълум бир алоҳида соҳа, касбга оид референтларни аниқ номлайдиган тил бирикларидан иборат эканлигида намоён бўлади.

КТС анча тор доирада қўлланиши билан ажралиб туради. Бинобарин, у маълум бир соҳа вакиллари сўзлашув нутқига хос бўлиб, жамиятда барча ижтимоий қатлам вакиллари томонидан тўлиқ фойдаланилмаслиги билан изоҳланади. Оммабоп сўзлашув нутқига келадиган бўлсак, унинг қўлланиш доираси чексиз эканлиги маълум<sup>11</sup>.

Маълум бир тил соҳибларининг аниқ ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятидаги ҳамкорлиги муҳитида юзага келадиган нутқ намунаси сифатидаги профессионализм ва терминологизмлар КТСнинг асосий манбаи сифатида хизмат қилади. Ушбу ўринда бир-бири билан ўзаро қоришиб кетган (айниқса, сарҳаддош бўлган) ижтимоий ишлаб чиқаришга хос ва КТСнинг шаклланиши, ривожланиши ва фаоллашувида бир-бири билан тўқнаш келадиган тил хилма-хиллигини инобатга олиш ўринли саналади.

<sup>10</sup>Bolinger D. Language: The Loaded Weapon. – London, Longman, 2005. – 261 p.; Dittmar N. Sociolinguistics: a Critical Survey of Theory and Applications. – London: Edward Arnold, 2009. – 336 p.

<sup>11</sup>Шевченко М.А., Митчелл П.Дж., Игнатов А.А. Военно-морские силы Великобритании. Английский язык: учебное пособие: [по специальности “Лингвистическое обеспечение военной деятельности”]. – Томск, 2016. – 242с.

Маълум бир соҳада юзага келадиган техник тушунчалар ва уларнинг тилдаги ифодаси КТСни бойитиш манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин. Масалан, америка ҳарбий сўзлашув тилида амалда бўлган қуйидаги бирикмаларни такқослайлик: *flying pig* (сўзлашув нутқида.) «учар чўчка» - (миномет) мина; оғир снаряд; *flying fishbowl* «учар аквариум» - вертолёт; *flying dust bin* «учар ахлат қути» - оғир снаряд (мина); *flying ash can* «учар кулдон» - оғир снаряд (мина); *flying banana* «учар банан»-вертолёт; *flying blow torch* «учар чирок» - реактив самолет; *flying devil* «учар иблис»- қўл гранатаси.

Касбга доир тил бирликлари тилда инсон фаолиятининг маълум бир соҳасига тегишли бўлган алоҳида системанинг бир қисми ҳисобланади ва уларга хос концептуал мазмун эса уларнинг системада тутган ўрни орқали аниқланади.

Маълум бир касб доирасидаги жамоада пайдо бўлган ва у ерда муайян тарзда қўлланиладиган касбий тил бирликларидан фақат ушбу ишлаб чиқариш соҳасидаги мулоқот жараёнида фойдаланиш мумкин. Бу эса умумий тил соҳибларининг барчаси учун тушунарли бўлмаган махсус луғавий бирликларни ўз ичига олади. Улар махсус тушунчалар(меҳнат фаолиятидаги турли механизмлар, асбоблар, маҳсулотлар ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари ёки ишлаб чиқариш фаолияти натижалари ва бошқалар)ни соф ҳолда ифодалаш билан ажралиб туради. Тилнинг ҳарбий касбга доир соҳасини ўрганишни, авваламбор, унинг структур тузилишидаги мураккабликдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Маълум бир тадқиқот доирасида уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва фаолиятига алоқадор хусусиятларни қамраб олиш имконияти мавжуд эмас. Шу сабабли мазкур ишда ҳарбий лексикани тавсифлаш мақсадида икки хил асосий йўналиш, яъни терминологик (шу жумладан, номенклатур шакллар) ва касбий ўзига хослик инобатга олинган.

Бажарилган тадқиқотларнинг катта қисми номенклатурадаги белгиларга хос мазмун планининг таҳлилига бағишланган бўлиб, эҳтимол буни ифодаланмишнинг етакчи роли билан изоҳлаш мумкин<sup>12</sup>.

Шунга қарамай, номенклатурадаги белгиларга хос ифода планини ўрганиш масалалари эътибордан четда қолган. Уларни бундай нуқтаи назардан ўрганиш номенклатурадаги белгилар моҳиятини очиб беришдаги релевант белгиларни намоён этиш имконини беради. Улар предметни номлаш тамойиллари, тушунча мазмуни ва бундай номларнинг қўлланилиш доираси кабиларни ўз ичига олади.

Агар тил элементи ва тушунча ўртасидаги ўзаро муносабат кўриб чиқилса, тил системасида белгилар муносабати предметларнинг мос келадиган синфига кўра тил элементи ва тушунчани бирлаштириши намоён бўлади. Бундай ҳолатда номенклатурада тил сатҳи даражасидаги белгилар муносабати, масалан, *M 9 Beretta Pistol* – М 9 «Беретта» тўппончаси; *M 136 AT 4 Antitank Weapon System* – М 136 АТ 4 танкка қарши гранатамет каби тил

<sup>12</sup>Abraham S., Kiefer F. A Theory of Structural Semantics. – Hague, 2009. – 488 p.

бирликлари предметлар синфи билан тўлиқ мослашади. Чунки, мулоқотнинг маълум бир актида аниқ предмет ва номенклатуранинг ҳар қандай белгиси ўртасида алоқа аллақачон мавжуд бўлади.

Умуман олганда, фаннинг кўплаб тармоқларида номлашнинг бинар тамойили қўлланилади. Аммо, бинар отлар компонентлари, тилнинг структур хусусиятларига ва ҳар бир фан онтологик инвентарини номлаш тамойилларига қараб, ўз жойларини ўзгартириши мумкин. Шу аснода, ҳарбий фаолиятда бинар номлар маълум бир туркумга кирувчи ҳарбий атамани ифодаловчи номинатив бирикмаларни акс эттиради. Масалан: *M 106 Mortar Carrier* - М 106 ўзиюрар миномет; *Bradley Fighting Vehicle* – «Бредли» пиёдалар жанговар машинаси (ПЖМ); *Tank M1* – М1 танки; *M 60 General Purpose Vachine Gun* – М 60 универсал пулемет ва ҳоказо.

Инглиз тилида ҳарбий номенклатура белгилари семантик нуқтаи назардан қуйидаги турдаги номларни ўз ичига олади:

а) қурол турлари: *M 79 Grenade Launcher* – М 79 гранатомет; *M 203 Launcher mounted on M 16 Rifle* – М 163 милтиғига ўрнатилган М 203 яширин граната отиш мосламаси; *M 9 Beretta Pistol* – М 9 «Беретта» тўппончаси;

б) ҳарбий техника турлари: *CH-47* – CH-47 «Чинук» ҳаво-десант вертолёт; *brain*(сўзлаш.) «мия», бошқарув тизими; ўзи мўлжалга олувчи (ракета) мослама бош қисми; *blitzbuggy*(сўзлаш.) «блиц-аравача», ¼ - т умумий фойдаланиш машинаси, жип, танк; *Bees*(сўзлаш.) «асаларилар», денгиз десант муҳандислик-қурилиш қўшинлари; *beetle* (сўзлаш.) «қўнғиз», сузувчи конвеер.

Ҳарбий номенклатура белгилари структур нуқтаи назардан эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) содда сўзлар: *Fox; Avenger; Patriot; Titan; Bradley Dragon; Javelin; Phalanx; Standard*;

б) номловчи атамани ўз ичига олмайдиган қўшма отлар: *F-15A Eagle* –F-15A «Бургут» кирувчи-самолёт; *92<sup>th</sup> Water Buffalo* – 92чи «Сув буфалоси» пиёда бўлинмаси; *38<sup>th</sup> Cyclone* –«Сайклоун» [Циклон] бўлинмаси; *37<sup>th</sup> Buckeye* – «Бакай» бўлинмаси [Америка каштани], 37 - пиёда бўлинмаси;

в) қисқартмалар: *TERCOM –terrain contour matching* – ТЕРКОМ ҳудудга кўра корреляцион йўл-йўриқ тизими; маҳаллий рельеф контури бўйлаб мўлжални тўғрилаш тизими; ТЕРКОМ ерни кузатиш системаси; *THAAD – Theater High Altitude Area Defense* – ТХААД ракеталарга қарши муҳофаа тизими;

г) умумий атамани ўзида акс эттирадиган ва иккинчи турдаги номенклатур белгилар сифатида хизмат қиладиган номинатив бирикмалар; улар жанговор қурол намуналари ва ҳарбий техника турларини ифодалайди: *Harpoon missile* – «Гарпун» кемага қарши ракета; *Tomahawk cruise missile* – «Томахок» [Томагавк] қанотли ракета; *ASROC ballistic rocket* – «АСРОК» торпеданинг баллистик ракетаси.

Ҳарбий касбга доир бирликларнинг семантик майдонини тавсифлаш ҳарбий соҳа бирликлари мажмуасини онтологик нуқтаи назардан ўрганишга

нисбатан қўлланилади, бу эса алоҳида отларни маълум бир тизимости гуруҳларга бириктириш имконини беради<sup>13</sup>.

Умуман олганда, ҳарбий объектни атоқли отлар воситасида ифодалаш жараёнида ҳарбий касбга доир тил бирликларининг қуйидаги кичик синфларини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин:

– сув усти ва сув ости кемалари: *Enterprise – submarine nuclear propulsion* («Enterprise» ядровий сув ости кемаси); *Thomas Jefferson – missile-launching submarine «Thomas Jefferson»* («Thomas Jefferson» ракета сув ости кемаси);

– космик учар кемалар: *Injun – spaceship* (космик кема). Шунини таъкидлаш керакки, «*Injun*» радиацион муҳитни ўрганиш учун яратилган бир қатор илмий сунъий йўлдошлар номини англатади. (Сўзма-сўз таржимаси: "ҳинду");

– ер ости ядровий портлашлар : *Neptun, Danny Boy*;

– ўқув марказлари: *Army Missile Development Center, Armored School, the Armored Center, Fort Knox, Kentucky, Camp Century*;

– машқлар ва манёврлар: *Desert Strike, Miki, West Wind* ва бошқалар.

Бундай тизимлаштириш келгусида уларни янада кўплаб мавзули синфларга ажратишга ёрдам беради.

ҲТСнинг семантик майдонини ўрганишга бундай ёндашув, авваламбор, КБларнинг структур хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Шундай қилиб, КТБ учун икки, уч компонентли атоқли отларнинг қўлланилиши ўзига хос аҳамият касб этади. Масалан, *Bedfordshire and Hertfordshire Regiment, Jork and Lancaster Regiment; King's Division; Lovat Scouts; Queen Elizabeth's Own Gurkha Rifles* ва бошқалар. Улар ўз таркибида умумий ҳарбий атамани ифодалаш билан ажралиб туради.

Диссертациянинг «**Ҳарбий касбга оид тил соҳасининг тизимлилиги**» деб номланган иккинчи бобида ҲКТС бирликларининг систем-семантик белгиларини аниқлаш ҳамда уларнинг алоҳида мавзули структур турларини таснифлашга хос мезон ва тамойилларни ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Ҳ.Д.Палуанова таъкидлаганидек, тизимлилик терминологик бирликларнинг асосий белгиларидан бири бўлиб, атамаларнинг маълум бир терминологик тизимга тегишлилиги уларга хос систем-функционал моҳиятнинг пайдо бўлишига олиб келади<sup>14</sup>. Бундай ёндашув замирида ҳар қандай сўз ёки сўз бирикмаси атама сифатида қабул қилиниши мумкин. Бунинг учун унинг маъноси терминологиянинг маълум бир семантик гуруҳига тегишли бўлиши, ушбу атама лексик бирлик сифатида терминологик тизимга киритилиши лозим.

Тил таркибининг лексик майдонига хос тизимни ўрганиш тилшуносларни семантик майдон назариясини яратишга ундади. Маълум бир

<sup>13</sup>Бойко М.Г. Структурно-семантические особенности формирования бронетанковой терминологии в английском языке: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Омск: ОГУ, 2011. – 24 с.

<sup>14</sup> Палуанова Х.Д. Экологик терминларнинг деривацион хусусиятлари. Т.: Фан ва технология. 2016. – Б.19.

семантик майдон умумий маъно жиҳатдан бир хил бўлган бирликларни ўзида мужассамлаштиради. Бундай бирликлар предмет ва тушунчаларни ифодаловчи тил бирликлари, шунингдек, функционал тил ҳодисаларининг турли хил ўхшашликларини акс эттиради. Уларнинг семантик майдонини ифодаловчи қуйидаги асосий хусусиятларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) уларни ташкил этувчи сўзлар ўртасида семантик муносабатларнинг мавжудлиги; 2) бу муносабатларнинг тизимли табиати; 3) семантик майдоннинг нисбатан автономлиги; 4) семантик майдонни ифодалашнинг узлуксизлиги; 5) бутун лексик тизим чегарасида семантик майдонларнинг ўзаро боғлиқлиги<sup>15</sup>.

Терминологиянинг семантик майдон структурасини функционал ёндашув асосида ўрганиш уни нутқий вазиятга қараб ўзгариши мумкин бўлган ҳаракатчан тузилма сифатида кўриб чиқиш имконини беради. Бинобарин, ҲҚТСни семантик майдон нуқтаи назардан тадқиқ этиш уни батафсил тарзда ўрганиш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрнатиш мумкин бўлган горизонтал қисмларга ажратиш имконини беради.

Замонавий тиллар, шу жумладан, ҳозирги замон инглиз тилида касбга доир лексик бирликларни семантик жиҳатдан мавзули турларга ажратиш тамойили устун туради. Бинобарин, маълум бир тил соҳасидаги тизимли муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларга хос умумкатегориал хусусиятларни таҳлил қилиш учун ҲҚТС худудидаги асосий тематик гуруҳларни аниқлаш ва тавсифлаш зарурдир.

ҲҚТС доирасида қуйидаги асосий тематик гуруҳлар алоҳида ажралиб туради:

1. Ҳарбий хизматчиларнинг индивидуал хусусиятларини тавсифловчи бирликлар: *able-bodied* - «кучли, соғлом»; «ҳарбий хизматга яроқли».

2. Ҳарбий хизматчиларнинг турли ҳаракатларини тавсифловчи бирликлар: *absentee* - «йўқламада қатнашмаган хизматчи».

3. Ҳарбий қурол номларини тавсифловчи бирликлар: *pistol* – тўппонча; *submachine-gun* – автомат; *cannon* – пушка.

4. Милтиқ (*shotgun*) қисмлари номларини тавсифловчи бирликлар: *stock* – кўндок; *front sight*– нил (мўлжалга олиш мосламаси); *trigger* – тепки; *receiver* – қайтарувчи; *breech bolt* – затвор.

5. Умумҳарбий атамаларни (*military terms*) ўз ичига олган бирликлар: *aggression* – тажовуз; *alien* – бегона, душман; *enemy* – душман.

6. Ҳарбий кийимларнинг номларини ифодаловчи бирликлар: *battle dress* – жанговар юриш кийими; *body armor*, *flak jacket* – тана зирхлари, бронезилет; *breastplate* – кўкрак нишони; *dress uniform* – парад кийими.

7. Ҳарбий унвон, қисм ва бўлим номларини ифодаловчи ҳарбий касбга доир бирликлар: *airborne Forces troupes*- ҲДҚ (ҳаво-десант кўшинлари); *airborne division*- ҲДБ (ҳаво-десант бўлинмаси).

<sup>15</sup> Володина М.Н. О стихийном и системном характере терминологической номинации // Stephanos. – М.: МГУ. - №6(26), 2017. – С. 24-36.

8. Куролли кучларнинг турли соҳалари, хусусан, ҳарбий ҳаво кучлари хизматчиларининг фаолиятини тавсифловчи бирликлар: *air map*- авиация харитаси; *air means*- авиация воситалари; *air mine ВМС*- авиация минаси.

Инглиз тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири маълум бир отнинг бошқа бир отга нисбатан препозитив ҳолатда аниқловчи сифатида қўлланилиш имкониятига эга эканлигида намоён бўлади. Бундай имконият ҳарбий соҳадаги сўз бирикмаларини яшашда ҳам кенг қўлланилган. Шу жумладан, сўз бирикмаси таркибига кирувчи ва аниқловчи вазифасини бажарувчи 262та сўздан 93таси сўз бирикмаси ядроси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Шу сабабли семантик ва формал белгиларни ўзларида умумлаштирган синтактик гуруҳлардаги таркибий компонентларнинг «комбинаторик хусусиятлари» эътиборни тортади. Юқорида қайд этилган 93та сўзнинг бир қисми 576та бирикма ҳосил бўлишида фақат аниқловчи сифатида ишлатилади.

Масалан, *force* сўзи бирикма таркибида ядровий элемент сифатида 570 та ва аниқловчи сифатида эса 29 та ҳолатда қўлланилган. Худди шу тарзда қўлланиш частотасига кўра *support* сўзи 557 ва 55 та, *area* сўзи 550 ва 76 та, *operation* сўзи 525 ва 30 та, *war* сўзи 358 ва 16 та, *weapon* сўзи 277 ва 13та, *army* сўзи 201 ва 27 та ҳолатни ташкил этади. (Таққосланг: *Army in the Field* – амалдаги армия; *the Army at Home* – Англияда метрополия армияси; *standing army* – доимий армия; *army bible*– низом (ҳарб. сўзлаш.); *army number* – аскарнинг шахсий рақами ва бошқалар. 1-жадвалга қаранг:

1- жадвал.

Сўзлар	Бирикма ядроси сифатида қўлланилиш частотаси	Аниқловчи сифатида қўлланилиш частотаси
<i>force</i>	570	29
<i>support</i>	557	55
<i>area</i>	550	76
<i>operation</i>	525	30
<i>war</i>	358	16
<i>weapon</i>	277	13
<i>army</i>	201	27

Сўз бирикмалари таркибидаги компонентларнинг бу тусдаги структур хислатларини аниқлаш уларнинг ўзига хос лингвистик маънога эга эканлигини кўрсатишга ёрдам беради. Бундай фактларни аниқлаш сўз бирикмалари доирасидаги структур-семантик мослашувнинг моҳиятини аниқлашни тақозо этади. Масалан, бу ҳолат бирикма таркибини қисқартириш, бирикма маъносини тўлиғича қолган компонентга ўтказиш ва бошқа ҳолатларда содир бўлади.

Масалан, ҳарбий касбга доир тил соҳасида *the defensive*-«мудофаа жанги», «мудофаа»; *the offensive* - «ҳужумкор жанг», «ҳужум»; *the wounded* - «ярадорлар»; *the killed* - «ўлдирилганлар»; *the first (first lieutenant* бирикмасидан) - «биринчи лейтенант» каби бирикмалар пайдо бўлиш ҳоллари кўзга ташланади.



Юқоридаги таҳлил кўрсатишича, ҳарбий касбга доир тил соҳасида сўз бирикмалари аниқловчи компонент негизида ҳосил бўлади. Бинобарин, одатда, ҳарбий касбга доир сўз бирикмаларда *attack, defense, force, operation, support, war* каби энг фаол атамалар ядровий компонент сифатида хизмат қилади. Ушбу сўзларнинг махсус матнлар таркибида тез-тез учраб туриши сабабли, ахборот ташиш имконияти чегараланган.

Сўз бирикмаларининг таркибий компонентлари ўртасидаги бундай тақсимот фақат маълум бир соҳа (хусусан, ҳарбий касб) доирасидаги матнлар доирасида сақланиб қолган. Масалан, ҳарбий соҳага тегишли матнлар доирасида *military* аниқловчиси аниқ дифференциал хусусиятларни ўзида мужассам эта олади, шунга кўра *military correspondent* сўз бирикмасида эса муҳбир “*political*” эмас, балки, айнан “*military*” эканлиги муҳим ҳисобланади.

Шу аснода, терминологик бирликлар қўлланилишининг ўзига хослиги “атамаларнинг тилда махсус мақсадлар учун қўлланиладиган лексик бирлик сифатида намоён бўлишини” ва “улар кундалик мулоқот тилида ҳам, махсус соҳа тилида ҳам бирдек фойдаланилишини, бироқ уларнинг махсус соҳа тилидаги лексик бирликлар сифатида тан олинишини” тақозо этади<sup>16</sup>. Бу шуни англатадики, термин тилшунослик учун функционал бирлик ҳисобланса, терминология учун эса, “махсус соҳа тилининг маълум бир билим ёки фаолият тури назариясининг аниқ ёки мавҳум тушунчаларини ифодаловчи лексик бирлиги сифатида талқин қилинади”<sup>17</sup>.

Ҳар қандай атамалар системаси очик система ҳисобланиб, унда йўқолиб кетган элементлар ўрни мунтазам янги элементлар билан тўлдириб борилади. Билимларнинг умумий ўзига хослиги сабабли, терминология тизимлаштирилган ва соддалаштирилган бўлиши, аммо унинг охиригача стандартлашуви қийин масала. Ушбу мақсадга эришишда соҳа терминологик луғатлари, атамаларнинг алифбо тартибидаги изоҳсиз рўйхатидан иборат сўзликлар, изоҳли ва энциклопедик луғатлар, шунингдек, атамаларнинг семантик ва ассоциатив муносабатларини белгилайдиган тезаурус-луғатлар аҳамияти алоҳида.

Б.В.Киселёвнинг<sup>18</sup> жуфттиллик луғатини таҳлил қилиш натижасида ҳарбий соҳага тегишли атамаларнинг семантик майдонини тавсифлаш имкони пайдо бўлади. Бу, авваламбор, ходимлар лавозимларини ифодаловчи қўмондонлик таркиби мисолида яққол кўзга ташланади. Таққосланг: *officer* (б. 86); *mid-grade officer* (б. 86) – флот катта офицери; *flag officer* (б. 86) – флот юқори офицери; адмирал; *rear admiral* (б. 219) – контр-адмирал; *admiral* (б. 8) – адмирал; *Chief of Naval Operations* (б. 28) – АҚШ ХДК штаби бошлиғи; *Deputy Chief of Staff for Logistics* (б. 29) – ПҚ орқа фронт штаби бошлиғи ўринбосари; *captain* (б. 25) – капитан; *commandant of the US Coast Guard* (б. 32) – АҚШ соҳил хавфсизлиги қўмондони; *commandant of the US*

<sup>16</sup> Лейчик В.М. Языки для специальных целей – функциональные разновидности современных развитых национальных языков Общие и частные проблемы функциональных стилей. – М.: Наука, 1986. – С. 28-43.

<sup>17</sup> Кўрсатилган асар. – Б.31-32.

<sup>18</sup> АРСВЛ – Киселёв Б.В. Англо-русский словарь военной и сопутствующей лексики. – М.: АСТ: Восток-Запад, 2005. – 283,[5]с.: ил.

*Marine Corps* (б. 32) – АҚШ денгиз пиёдалари корпуси кўмондони; *Joint Force Air Component commander* (б. 32) – ҳаво кучлари кўмондони.

Бизнинг фикримизча, ҳарбий касбга оид тематик гуруҳларни тафсифлаш кўриб чиқиладиган тил соҳасидаги систем муносабатларни аниқлаш учун ҳамда ушбу соҳа семантикасининг умумкатегориал хусусиятларини таҳлил қилиш учун бир хилда аҳамиятлидир.

Учинчи боб «**Ҳарбий касбга доир тил терминологик тизимининг функционал хусусиятлари**» деб номланиб, унда терминологик бирликларнинг систем-функционал хусусиятлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўрганилган, шунингдек, ҳарбий касбга доир тил бирликларининг систем-функционал типологиясига хос асосий мезонлар ишлаб чиқилган ҳамда ушбу бирликларнинг функционал вариантлашув ҳолатлари ёритилган.

Ҳарбий касбга оид тил соҳасининг функционал хусусиятлари, худди ундаги систем муносабатлар сингари, турли хил лисоний кўрсаткичлар воситасида юзага келади. Тил бирликларининг бундай хусусиятлари, авваламбор, ҲКТдаги вариантланиш, полисемия, омонимия, синонимия ва антономия ҳодисалари, терминологиядаги семантик майдонларни тизимлаштириш, терминологик бирикмалар компонентларининг деривацион фаоллиги, ҳарбий лексик бирликлар ўртасидаги стилистик ва функционал тафовут, уларнинг ҳудудий боғлиқлиги, шунингдек, ушбу бирликларнинг парадигматик ва синтагматик тавсифи каби кўрсаткичларда намоён бўлади.

ҲКТС маълум бир илмий ва касбий фаолиятга хос тушунчани ўзида акс эттиради ва у тил системасида воқеланади, айти пайтда у ўзаро кесишадиган қатор тизимости гуруҳларини, хусусан, терминологияни ҳам қамраб олади.

ҲКТСга хос функционал тамойиллар терминологик лексиканинг пайдо бўлиши ва тизимлашувининг энг асосий кўрсаткичлардан биридир. ҲКТСни ўрганишга бўлган систем-функционал ёндашув унинг таркибидаги бирликлар структурасини ва таркибий компонентлар маъносини, шунингдек, улар ўртасидаги алоқани тасвирлаш имконини беради.

Катта кўламдаги ахборот ифодалаш қобилиятига эга бўлган атамаларнинг ўзига хос вазифаси маълум бир соҳага тегишли аниқ ва мавҳум нарса ёки ҳодисаларни номлаган ҳолда инсон фаолиятининг муайян соҳаси учун хизмат қилишдан иборат. Ушбу вазифа (миллий) тил захирасида мавжуд бўлган сўз ёки ушбу умумий мақсад учун махсус ясалган сўз бирикмаси орқали бажарилади. Шу боис, атамаларнинг формал ва семантик белгилари, доимий бўлмасдан, балки уларни маълум бир терминологик системанинг бирлигига айланганидан сўнг вақтинча кашф этади, деган ҳулосага келиш мумкин.

М.Н.Латунинг фикрига кўра, терминологиянинг систем-функционал кўрсаткичлари кўпинча яширин тарзда амалга ошади<sup>19</sup>. Бироқ, терминологияни фавқулотда тўпланган ва ўзаро боғланган атамалар мажмуи

<sup>19</sup> Лату М.Н. Англоязычная военная терминология в ее историческом развитии: структурно-семантический и когнитивно-фреймовый аспекты: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону: РГУ, 2009. – С.13.

сифатида тасаввур қилиш нотўғри. Ушбу атамалар мажмуи, ҳар қандай бошқа системалар сингари, бир-бири билан аниқ (мантиқий, синтагматик, функционал) алоқада бўладиган элементлардан ташкил топган системадир. Терминологиядаги элементларнинг ўзаро алоқаларини кузатиш орқали уларга хос ўзаро муносабатлар ва фаоллашув жараёнида маълум бир тартибни ўрнатиш имконияти мавжудлигини исботлаш мумкин.

Атамаларнинг мазмуний тузилиши семантик ва функционал тизимига эга бўлиб, уларнинг маъноси компонент-семалар мажмуи орқали намоён бўлади. Атамалар терминологик тизимда семантик-функционал белгиларига кўра иерархик ёки поғонали равишда жойлашадиган гуруҳларни ҳосил қилади.

